

# ФАРГОНАДА ҲАПКИДО БҮЙИЧА ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ СТАРТ ОЛДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Само” спорт мажмуасида ҳапкидо спорт тури бўйича Осиё очиқ чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринbosари Жамshed Xатамов, Халқаро Ҳапкидо федерацияси президенти О Се Лим, Корея Ҳапкидо федерацияси вице-президенти Ким Бом Чул ҳамда бош секретари Сун Дук Бе, Ўзбекистон ҳапкидо федерацияси раиси Музроб Насруллаев қатаншди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ҳапкидо федерацияси ҳамкорлигига катталар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақа аввалида давлатимиз мадҳияси янгради.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокимининг ўринbosари Жамshed Xатамов, юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида жисмоний маданиятни оширишга, йигит-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб, кейинги йилларда Фарғона катта спорт мусобақаларига мезбонлик қилаётгани, хусусан, вилоятимизда ўтган йилда 20 та халқаро ҳамда 35 та Республика даражасидаги мусобақалар ўtkазилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 15 та халқаро ва 18 та Республика мусобақалари ташкил этилганини қайд этилди.

Жамshed Xатамов Ҳапкидо бўйича биринчи маротаба нуфузли Осиё чемпионатининг Фарғонада ўтказилишини қўллаб-қувватлаган Халқаро Ҳапкидо федерацияси президенти О Се Лимга вилоят ҳокимлиги номидан миннатдорчилик билдириди. Ҳапкидо Федерацияси мамлакатимизда 2010 йилда, Фарғонада 2017 йилда ташкил топгани, юртимизда юздан ортиқ мураббийлар ушбу спорт турининг сир-асрорларини ёшларимизга ўргатаётгани айтиб ўтилди.

Очилиш тадбирида сўз олган нуфузли меҳмонлар ўтказилаётган спорт мусобақалари давлатларо муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этишди.

Юртимиз вакилларидан ташқари, Корея, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Беларусь, Истроил, Ҳиндистон, Непал, Шри-Ланка каби давлатлардан қарийб 400 нафар спортчилар иштирок этаётган икки кунлик спорт мусобақалари очиқ деб эълон қилинди. Хорижлик ҳапкидо усталари иштирокида кўргазмали чиқишлиар ҳам ташкил этилди.

Ҳапкидо бўйича Осиё очиқ чемпионатининг дастлабки кун ғолиблари аниқланиб, мусобақа медаллари ва дипломлар топширилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-07-01 21:50:13